

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОЛИБОВ НОДИРЖОН НОРҚУЛОВИЧ

**БЎЛАЖАК УЧУВЧИ- МУҲАНДИСЛАРНИ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Толибов Нодиржон Норкулович

Бўлажак учувчи-муҳандисларни касбий компетентлигини
ривожлантириш методикасини такомиллаштириш..... 3

Толибов Нодиржон Норкулович

Совершенствование методики развития профессиональной
компетентности будущих летчиков-инженеров..... 23

Tolibov Nodirjon Norkulovich

Methods of development the professional competence for future pilots
engineers..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОЛИБОВ НОДИРЖОН НОРҚУЛОВИЧ

**БЎЛАЖАК УЧУВЧИ - МУҲАНДИСЛАРНИ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.05 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Ped2043 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.ipitvet.uz) ҳамда “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шарипова Дилара Джуманиязовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Турақулов Олим Холбутаевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Самаров Рустамжон Садриддинович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” ___ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (+99871) 246-92-17, факс: (+99871) 246-90-37, e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz)

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб - ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел.: (+99871) 246-92-17, факс: (+99871) 246-92-17).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Э.Қурбонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.Ю.Ашурова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., профессор

Қ.Т.Олимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳарбий учувчи мутахассисларнинг касбий компетентлигини миллий кадриятлар асосида ривожлантириш, технологик, муҳандислик, тадқиқот, ташкилий, бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳамда навигаторлик касбий компетенцияларнинг методологик жиҳатларини такомиллаштириш, ҳарбий ватанпарварлик руҳида бўлажак учувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилган. Бўлажак учувчиларнинг навигаторлик касбий компетентлигини ривожлантиришни интерфаол таълимни медиатеологиялар асосида ташкил этиш, ҳарбий учувчи-муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш тизимини илғор педагогик технологиялар асосида модернизациялаш, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳондаги етакчи илмий марказлар ва олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш ва мониторинг қилиш, ижтимоий ўзгарувчан муҳит талабларига мос равишда фанлараро интеграцион ўқитиш орқали ҳарбий таълим жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи илғор инновацион механизмлар амалиётга татбиқ этилган. Бу борада Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти 2020 йил 10 ноябрда бўлиб ўтган йиғилишида минтақа хавфсизлиги, ҳарбий тайёргарлик масалаларига эътибор қаратилган. Ҳарбий таълимнинг мазмунини, шаклларини, методларини, воситаларини ва ўқув-услубий таъминотини такомиллаштириш, учувчи муҳандисларни ҳарбий амалиётга йўналтириш, ҳарбий хизматни ва кундалик касбий фаолият соҳаси билан ўзаро боғлиқликда мураккаб ҳарбий вазиятларни ҳал қилиш ҳамда навигаторлик касбий компетентлигини ривожлантириш заруратини тақозо қилади.

Мамлакатимизда замон талаблари асосида ҳарбий таълим жараёнини ташкил этиш, жумладан, олий ҳарбий таълим муассасаларида замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш орқали юқори малакали офицерларни касбий тайёргарлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида”¹ги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ва Олий ҳарбий таълим тизимида бўлажак офицерларнинг касбий тайёргарлиги сифатини такомиллаштириш, ҳарбий таълим жараёнида замонавий педагогик ёндашувлар асосида таълим сифатини назорат қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди. Офицер кадрларни тайёрловчи олий ҳарбий таълим муассасаларининг моддий техник базаси мустахкамланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Миромонович Мирзиёев ҳарбий кадрларни тайёрлашга қуйидаги талабларни қўйди: “Ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизими доимо янгиланиб туриши керак ва

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. Б.39.

керак бўлганда ундан олдинда бўлиши лозим. Биз академияда ва бошқа ўқув муассасаларида курсантларимиз ва тингловчиларимизнинг энг илғор, инновацион билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун энг замонавий шароитларни яратиб бермоқдамиз”². Ушбу талаблар бўлажак офицерларни касбий фаолиятга тайёргарлик сифатини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898-сон “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сонли Қарори Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги, 2019 йил 8 октябрдаги ПҚ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисидаги, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сонли “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мос ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи–ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган устувор йўналиши ушбу тадқиқотга илмий–методологик асос бўлиб хизмат қилди. Республикада касбий компетентликни ривожлантиришнинг илмий асослари У.И.Иноятов, Р.Ҳ.Джураев, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, Ш.Ш.Олимов, З.К.Исмаилова, С.Ю.Ашурова, Ш.С.Шарипов, Ш.Э.Курбонов, А.Р.Ходжабоев, Р.Д.Шодиев, Ж.А.Ҳамидов, О.Х.Туракулов ва бошқа олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида тўлақонли ёритиб берилган.

Ҳарбий соҳа мутахассисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш ва бўлажак офицерларни касбий фаолиятга тайёрлаш ва унинг сифатини баҳолаш муаммолари МДҲ олимларидан А.А.Анисимов, И.А.Матвеева, В.И.Байденко, А.В.Батаршев, В.А.Белёвцев, Ю.С.Дорохин, Ю.А.Ирхин, Ю.М.Измайлова ва бошқаларнинг диссертацион тадқиқот ишларида илмий жиҳатдан асосланган.

Хорижий олимлардан Carl E. Vuono, J.Raven, Hutmacher Walo, Gilbert J. ва бошқалар бўлажак учувчи-муҳандисларнинг навигаторлик, конструкторлик, лойиҳалаш ва коммуникатив касбий компетенцияларини

² Мирзиёев.Ш.М.Президент Хавфсизлик кенгашида сўзлаган нутқи. 2018 й. 10 январь.

ривожлантириш муаммоси бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

Педагогик-психологик адабиётлар ва олиб борилган диссертацион тадқиқот ишлари таҳлили шуни кўрсатадики, бўлажак учувчи-муҳандисларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда тренаж тайёргарликдан етарли даражада фойдаланилмаганлиги, умумкасбий ва ихтисослик фанларига доир ахборий-дидактик таъминотнинг тўлиқ эмаслиги, фанларни ўқитишда ҳамда ҳарбий амалиёт жараёнларида таълим технологиялари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари уйғунлигида ўқитишнинг интерфаол методларидан самарали фойдаланилмаганлиги, профессор-ўқитувчилар ва ҳарбий офицерлар таркибининг касбий тайёрланганлик даражаси пастлиги амалий парвозлар салмоғи камайиши тенденцияси билан изоҳланади. Мавжуд методлар ва механизмлар маънан эскирганлиги боис бўлажак учувчи-муҳандисларни навигаторлик касбий компетентлигини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш долзарб эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий ташкилот ёки таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мудофаа Вазирлиги ахборот - коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтининг “ЭРУДИТ” инновацион лойиҳаси бўйича 2020 йил 8 сентябрдаги №201 сонли қарорига асосан бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: олий ҳарбий авиация билим юртида бўлажак учувчи-муҳандисларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тақиқотнинг вазифалари: олий ҳарбий авиация билим юрти курсантларини касбий компетентлигини ривожлантириш муаммосининг ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда касбий компетентликни ривожлантиришнинг методик таъминотини такомиллаштириш;

бўлажак учувчи муҳандисларни компетенциявий ёндашувлар асосида касбий компетентлигини ривожлантиришнинг методик моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

тренаж тайёргарлик жараёнида бўлажак учувчи-муҳандисларнинг касбий (навигаторлик) компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда ўқитиш методикасини такомиллаштириш;

тренаж тайёргарлик жараёнида бўлажак учувчи-муҳандисларнинг касбий (навигаторлик) компетентлигини ривожлантиришнинг ишлаб чиқилган методик моделини самарадорлигини тажриба-синов орқали текшириш.

Тадқиқот объекти: олий ҳарбий авиация билим юртида бўлажак учувчи-муҳандисларни касбий компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқот предмети: олий ҳарбий авиация билим юртида бўлажак учувчи-муҳандисларни касбий компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида қуйидаги назарий ва эмпирик тадқиқот методлари тўпламидан фойдаланилди.

Назарий: фалсафий, психологик, педагогик ва махсус адабиётларни, меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиш, тадқиқот муаммосининг долзарблигини асослаш ва уни ҳал қилиш имкониятларини аниқлаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш назарий-методологик стратегия ҳамда тадқиқот тактикасини танлаш учун асос бўлиб хизмат қилган; моделлаштиришдан тренаж тайёргарлик жараёнида навигаторлик компетентлигини ривожлантириш мақсадида методик модел яратиш ва уни самарали амалга ошириш шартларини аниқлаш учун фойдаланилган.

Эмпирик: кузатиш, тест ўтказиш, анкета-сўровномаси, эксперт баҳолаш; бўлажак мутахассисларнинг касбий фаолият учун замонавий таълим шароитида ишлашга тайёрлигини баҳолаш бўйича қайд этувчи тажриба-синов ўтказилган; бўлажак учувчи-муҳандисларда касбий (навигаторлик) компетентлигини ривожлантириш моделини самарали ишлаши учун шарт-шароитларни амалга ошириш бўйича шакллантирувчи тажриба-синов ўтказилган; маълумотларни қайта ишлашнинг статистик методлари, таққослаш, қиёсий ва математик-статистик таҳлил, умумлаштириш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий ҳарбий авиация билим юрти курсантларини ижтимоий-шахсий, тизимли, компетентли, интегратив ва методологик ёндашувлар орқали касбий компетентлигини ривожлантиришнинг услубий-дидактик таъминоти назария ва амалиётнинг инверсив ўзаро узвийлик тамойили асосида мазмунан ривожлантирилган;

бўлажак учувчи-муҳандисларнинг навигаторлик касбий компетентлигини ривожлантиришнинг даражали концептуал моделига асосланган методик модели мақсадли, мазмунли, фаолиятли-жараёний, натижавий-коррекциявий блоklarни мазмунан узвийлаштириш орқали политехник, моделлаштириш, касбий мобиллик ва мувофиқлик тамойиллари асосида ишлаб чиқилган;

бўлажак учувчи-муҳандисларни фанлараро горизонтал ва вертикал интеграцион ўқитиш орқали эксплуатацион-жангаворлик, қўмондонлик, ташкилий-бошқарув ва педагогик касбий фаолият турларига тайёрлаш методикаси тренаж тайёргарликда инновацион таълим технологияларини қўллаш ва дидактик мобил иловани (Android platform) ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

олий ҳарбий авиация билим юрти курсантларини комплекс тренаж ва симуляторлар орқали учувчиликка хос сифатлари ҳамда педагогик, лойиҳалаш, тадқиқотчилик, навигаторлик ва моделлаштириш компетенцияларини ривожланганлик даражаларини ҳарбий-тактик баҳолаш

механизмлари навигаторлик компетентлигини стимуллаш ва вазни коэффициентини аниқлаш асосида оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий ҳарбий авиация билим юртида тренаж тайёргарлик жараёнида бўлажак учувчи-муҳандисларнинг навигаторлик компетентлигини ривожлантиришнинг методик модели ишлаб чиқилган; курсантларнинг навигаторлик касбий компетентлигини ривожлантириш мақсадида “Учиш аппаратлари ва тренажерларда қўлланиладиган навигация жиҳозлари” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган ва “Учиш аппаратларининг прибор жиҳозлари” фани мазмунига сингдирилган ва олий ҳарбий авиация билим юрти таълим жараёнига жорий этилган;

стратегик ва тактик даражалар қиёсий таҳлил қилиниб, ўрганилаётган муаммони ҳал қилиш учун замонавий ёндашувлар асосида “Ми-8МТ вертолётининг авиация жиҳозлари” мобил иловаси тўплами яратилган; олий ҳарбий авиация билим юртида тренаж тайёргарлик жараёнида мураккаб метрологик ҳолатларда бўлажак учувчи-муҳандисларнинг навигаторлик компетентлиги ривожлантирилган ва бўлажак учувчи-муҳандисларнинг ҳарбий авиация амалиётидаги натижалари самарадорлик кўрсаткичи 15,4% га ошган. Олий ҳарбий авиация билим юрти курсантларини касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича биз томонимиздан ишлаб чиқилган методика самарали эканлиги аниқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги: психология ва педагогика фанларининг замонавий ютуқларига таяниб, бўлажак учувчи-муҳандисларнинг тренаж тайёргарлиги жараёнида навигаторлик компетентлигини ривожлантиришнинг методик моделини яратишда, ижтимоий-шахсий, тизимли, компетентли ва интегратив ёндашувларни танлаш ва амалга ошириш; тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мос келадиган ўзаро боғлиқ назарий-эмпирик методлардан фойдаланиш; тажриба-синов ишлари натижаларини математик статистика методлари билан қайта ишлаш орқали таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ўтказилган тадқиқотнинг илмий аҳамияти малака талабларига жавоб берадиган тренаж тайёргарлик жараёнида бўлажак учувчи-муҳандисларнинг навигаторлик касбий компетентлигини ривожлантиришнинг концептуал методик тизим моделига асосланган методик модели узлуксизлик, табақалаштирилган, ижтимоий аниқланган мақсадларни (мақсадли, жараёнли, ташхислаш, натижавий)дан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилганлиги, бўлажак учувчи-муҳандисларни касбий компетентлигини ривожлантириш методикасининг такомиллаштирилганлиги, “Ми-8МТ вертолётининг авиация жиҳозлари” фани бўйича мобил илова ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бўлажак учувчи-муҳандисларни фанлараро интеграцион ўқитиш орқали навигаторлик касбий компетентлигини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқилганлиги, ҳарбий авиация таълими учун “Учиш аппаратлари ва тренажерларида қўлланиладиган навигация жиҳозлари” номли ўқув қўлланма ишлаб

чиқилганлиги, касбий навигаторлик компетентликни ривожлантиришга қаратилган навигаторлик ўйинлари, тренинглари, турли хил вазиятларда муаммоларни ҳал этишда лойиҳавий топшириқлар ишлаб чиқиш орқали навигаторлик компетентлигини ривожланганлик даражалари ва мезон кўрсаткичлари аниқланганлиги билан белгиланади. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган асосий таклиф ва тавсиялардан олий ҳарбий авиация билим юрти курсантларини касбий фаолиятга бўлган қизиқишларини, ҳарбий таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ҳамда мамлакатимизга юқори малакали офицерларни етказиб беришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак учувчиларни касбий компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

малака талабларига жавоб берадиган тренаж тайёргарлик жараёнида бўлажак учувчи-муҳандисларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган методик ёндашувлар тўплами (ижтимоий-шахсий, тизимли, тактик даражада-компетентли ва интегратив) мазмунан такомиллаштирилган. Бўлажак учувчи-муҳандислар учун “Учиш аппаратлари ва тренажёрларида қўллани-ладиган навигация жиҳозлари” номли ўқув қўлланма ва “Ми-8Мт вертолётининг авиация жиҳозлари” фани бўйича мобил илова ишлаб чиқилган ва олий ҳарбий авиация билим юрти таълим жараёнига татбиқ қилинган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2020 йил 2 декабрдаги 25/10/1449 сонли маълумотномаси). Мазкур ўқув қўлланмадан олий ҳарбий авиация билим юрти таълим жараёнида фойдаланиш бўлажак учувчи-муҳандисларда касбий компетентликни ривожланишига хизмат қилган;

бўлажак учувчи-муҳандисларнинг касбий (навигаторлик) компетентлигини ривожлантиришнинг концептуал методик тизим моделига асосланган методик модели касбий компетентлик даражасини узлуксиз боғлиқлиги, табақалаштирилган, ижтимоий аниқланган мақсадларни аниқлаш ва баҳолаш, шу жумладан тўртта ўзаро боғлиқ мақсадли, мазмунли, фаолиятли, ташхислаш ва натижавий) блоклардан фойдаланиб ишлаб чиқилган ва олий ҳарбий авиация билим юрти таълим жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2020 йил 2 декабрдаги 25/10/1449 сонли маълумотномаси). Мазкур модел бўлажак учувчи-муҳандисларни касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилган;

бўлажак учувчи-муҳандисларнинг касбий (навигаторлик) компетентлигини ривожлантиришнинг методик моделини самарали амалга ошириш учун замонавий инновацион таълим технологиялари ва интерфаол таълим методларидан фойдаланилган, касбий навигаторлик компетентликни ривожлантиришга қаратилган навигаторлик ўйинлари, тренинглари, турли хил вазиятларда муаммоларни ҳал этишда лойиҳавий топшириқлар ишлаб чиқиш орқали навигаторлик компетентлигини ривожланганлик даражалари ва мезон кўрсаткичлари аниқланган ва олий ҳарбий авиация билим юрти таълим жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 2020 йил 2 декабрдаги 25/10/1449 сонли маълумотномаси).

Мазкур ишлаб чиқилган лойихавий топшириқлар бўлажак учувчи-муҳандисларни касбий компетентлигини ривожлантиришга ва педагогик тажриба-синов натижаларининг сифат даражасини ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий-услубий иш, шу жумладан, 1 та ўқув қўлланма, дастурий маҳсулотлар учун Интеллектуал мулк агентлигидан 1 та муаллифлик гувоҳномалари олинган, Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 1 та хорижий журналларда ва 4 та республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 148 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети аниқланган, шунингдек, тадқиқот иши фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Бўлажак учувчи-муҳандисларни касбий компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланиб, олий ҳарбий авиация билим юрти курсантларида касбий компетентликни ривожлантиришнинг назарий аспектлари, касбий фаолиятга тайёргарликни ривожлантиришнинг дидактик шартлари ва хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда компетенцияларни ривожлантириш педагогик феномен сифатида кўриб чиқилган.

Тадқиқотимизда табиий-илмий, умумкасбий ва ихтисослик фанларни фанлараро горизонтал ва вертикал интеграцияни таъминлаш орқали бўлажак учувчи-муҳандисларни педагогик, лойихалаш, тадқиқотчилик, новигаторлик ва моделлаштириш каби касбий компетенцияларини шакллантириш ҳамда касбий фаолиятда рақобатбардош кадрларни тайёрлаш назарда тутилади.

Касбий компетентлик ривожлантиришини тадқиқ қилиш масаласи фалсафий, психологик-педагогик ва махсус адабиётларни, касбий таълимнинг маҳаллий ва хорижий назария ва амалиётини, олий ҳарбий авиация билим юртларининг таълим фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ва раҳбарий ҳужжатларини таҳлил этишни назарда тутади.

Ушбу тушунчалар касбий амалий таълимнинг бир тури сифатида талқин этилади. Касбий таълим жараёнида тренировка, машқ методи, шунингдек, уларнинг мажмуаси – тренаждан фойдаланиб, шу жумладан, таълимнинг турли техник воситаларини қўллаб касбий (махсус) маҳорат ва кўникмалар шакллантирилади. Тренаж тайёргарлик тренажлар, тренинглар, тренировкалар ва машқлардан таркиб топади, бунда тренажёрлар ва таълимнинг бошқа материал ва идеал воситаларидан фойдаланилади.

Тренаж тайёргарлик жараёнидаги мавжуд анъанавий тизим ва методлари ҳозирги вақтда замонавий талабларга жавоб бермайди. Навигаторлик касбий компетентликни ривожлантириш мақсадида олий ҳарбий билим юртида тренажерлардан фойдаланиш ҳарбий учувчи мутахассислар тайёрлашда ягона тизим мавжуд эмаслигини кўрсатади. Навигатор компетентлиги олий ҳарбий таълим жараёнида тренировка, машқ методи, шунингдек, уларнинг комплекси – тренаждан фойдаланиб, шу жумладан, турли техник воситаларини қўллаб касбий (махсус) маҳорат ва кўникмалар шакллантиришни тақозо этади. Таълим бериш жараёнида компетенцияларни ривожлантириш ва касбий фаолият кўникмаларини ривожлантириш педагогик технология нуқтаи назаридан бошқаришда учта: глобал (давлатга қарашли), циклик-босқичли ва тезкор даражалари мавжудлиги кўрсатади. Таълим беришнинг мақсадини ривожлантириш глобал давлат буюртмаси даражасида педагогик талқин қилиш орқали олий ҳарбий авиация билим юрти битирувчи мутахассис моделини яратишни тақозо этади. Олий таълим битирувчи мутахассисга қўйиладиган талаблар ушбу касбга хос касбий компетентликни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Давлат таълим стандартлари ва малака талабларида белгиланган таълим жараёнининг якуний мақсадларига хизмат қилади. Таълим олишнинг муайян соҳасидаги компетентлиги мутахассиснинг тажрибаси ортиши билан тавсифланади.

Бўлажак учувчи-муҳандисларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш куйидаги педагогик шарт-шароитлар асосида амалга оширилади: таълим жараёнини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим муҳитини яратиш; бўлажак учувчи-муҳандисларнинг малака талабалари ва касбий фаолиятининг асосий турларидан келиб чиққан ҳолда махсус фаннинг мазмунини ишлаб чиқиш; мустаҳкамлик ва узлуксизлик тамойилларига асосланган ўқув-услубий мажмуадан фойдаланиш асосида компетентликни ривожлантириш жараёнини технологик ташкил этиш ҳамда курсантларнинг экстремал вазиятларда мустақил қарор қабул қилишга тайёрлигини таъминлайдиган амалий йўналтирилган вазифалар ва машқларни ишлаб чиқиш.

Касбий компетентликни ривожлантириш махсус касбий ўқув дастурини яратиш асосида бўлажак учувчиларнинг касбий фаолиятга тайёргарлигини ривожланишини таъминлайди.

Шундай қилиб, бўлажак учувчининг касбий фаолият кўникмаларининг энг муҳим кўрсаткичлари куйидагилардан иборат деб ҳисоблаймиз: ҳаракатларнинг тўлиқлик (алгоритмининг тузилиши, моделлаштириш,

мажмуавий амалиётларни (операцияларни) бажариши ва ўз-ўзини таҳлил қилиш, шунингдек, кўникмани ташкил этувчи амалиётларни (операцияларни) вақти ва аниқлиги билан ривожланиш даражасида бажариш.

Тадқиқот жараёнида бўлажак учувчи муҳандисларни фанлараро интеграция асосда касбий компетентлигини ривожлантиришнинг даражали концептуал модели ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Бўлажак учувчи-муҳандисни касбий компетентлигини ривожлантиришнинг даражали концептуал модели

Муаммони ўрганиш юзасидан, учувчи-муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича хорижий олийгоҳлар тажрибаси катта қизиқиш уйғотади. Тадқиқот мобайнида Хитой, АҚШ, Франция, ва Нидерландия ҳарбий ҳаво кучлари учувчилар таркибини тайёрлаш тизимлари таҳлил қилинди. Хитой ҳарбий-ҳаво кучлари академияси жанговар ва транспорт авиацияси учун учувчилар таркибини тайёрлайди. Ўқиш вақтида бўлажак учувчилар назарий тайёргарлик, тренажер комплексларида тренаж тайёргарлик ва парвоз тайёргарлигидан ўтади. Таҳсил уч босқичга бўлинади: бошланғич тайёргарлик, базавий тайёргарлик, чуқурлаштирилган махсус тайёргарлик. Касбий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган таълим хорижий давлатлардан олинган назарий ва амалий таҳлиллар шуни кўрсатадики, навигаторлик компетентлигига эга учувчиларни тайёрлашда поғонали (босқичма-босқичли) ва назарий таҳсилни амалий фаолиятга урғу берган ҳолда амалий касбий фаолият билан алмашилиб туриш зарурлигини кўрсатади. Касбий компетентликни ривожлантириш муаммоси бўйича психологик-педагогик назария ва амалиёт таҳлиллар асосида аниқ

маълумотлар жамланган. Юқори малакали ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш, уларда касбий компетентлигини ривожлантириш, соҳани риволантириш мақсадида олиб борилган тадқиқот ишлари тренаж тайёргарлик жараёнида навигаторлик компетентлигини шакллантириш муаммосини чуқур таҳлил этишни ва муаммони бартараф этишнинг илмий асосларини яратиш зарурлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **“Олий ҳарбий авиация билим юрти курсантларининг касбий компетентлигини ривожлантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида бўлажак учувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг методик модели ишлаб чиқилди, учиш-қўниш ўқув амалиётларида касбий компетентликни ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитлари аниқланди, фанлароо интеграцион ўқитиш асосида касбий компетентликни ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилди.

Маълумки, олий авиация ҳарбий билим юрти бўлажак учувчиларининг навигаторлик компетентлигини ривожлантириш борасидаги махсус яратилган режа-дастур асосида ишлар ташкил этилди. Ушбу режа-дастурда касбий компетентликни ривожлантиришда замонавий ёндашувлардан фойдаланган ҳолда ўқув машғулоти олиб борилди. Юқорида айтилган фикрларга таянган ҳолда тренаж жараёнида навигаторлик компетентлигини ривожлантириш масаласига мураккаб ва кўп аспекти феномен³ сифатида қаралган. Мазкур феномен унинг назарияси ташкилий жиҳатдан мажмуавий бўлишини таъминлай оладиган ёндашувларни қўллашни ва асосий тавсифларни тадқиқ этишни назарда тутди. Бунда стратегик, тактик жиҳатдан компетентликни ривожлантиришда замонавий ёндашувлар танланди. Мутахассиснинг (касбий) навигаторлик компетентликни ривожлантиришнинг методик модели касбий таълим беришнинг мақсадига кўра, таълим жараёнида самарли натижага эришишни таъминлайди.

Моделни ишлаб чиқиш учун амалга ошириладиган эҳтимолий лойиҳа ишлаб чиқилган ва бу меъёрий-башорат модели деб номланди. Моделда бўлажак учувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйилган қатъий талаблар, башоратлаш - ижтимоий буюртмага мослик, навигаторлик компетентлигини ривожланганлик даражасини таъминлашни назарда тутди. Моделда қуйидагилар ҳисобга олинди:

- буюртмачи томонидан бўлажак учувчиларни тайёрлашга қўйиладиган асосий талаблар (компетенциялар);

- мутахассисларни тайёрлашда замонавий ёндашувлардан фойдаланган ҳолда, назарий ва амалий педагогикасининг махсус тамойилларидан фойланиш:

- назарий олинган билимларнинг амалиётда қўлланилиши;
- бўлажак ўқувчиларни тайёрлашда ижтимоий талабни ўрганиш;
- таҳсилнинг мазмунини очиш ва уни навигаторлик компетентлиги ривожлантиришда тренаж тайёргарликнинг имкониятлари;


³ <https://uz.wikipedia.org/wiki/Fenomen>

-навигаторлик компетентлиги шаклланган бўлажак учувчилар тайёргарлиги даражасини белгиловчи асосий мезонлар, кўрсаткичлар, индикаторлар. Такдиқот ишида методологик ёндашувлар навигаторлик компетентлигини ривожлантиришни меъёрий-башоратлаш моделини яратишнинг таркибий-функционал жиҳатларини асослаб беришимизга имкон яратди. Таклиф этилаётган модел навигаторлик компетентлигини шакллантиришда муайян функцияларни бажаради. Моделда иштимой талаб, мақсад ва жараён бориши, натижага эришилганлик акс этади (2-расм). Н-125 тренажёрида машқ қилиш, унинг учун мўлжалланган курилма, мослама навигаторлик компетентлигини ривожлантириш жараёнида дидактик тизимнинг ишлаши самарадорлигини оширишга мўлжалланган таҳсилнинг техник воситаси саналади. Н-125 тренажёридаги мажмуавий афзаллиги бўлажак авиация учувчи мутахассисни навигаторлик компетентлигининг талаб этилган даражасида, ўзи ва атрофдагилар учун хавфсиз ҳамда иқтисодий манфаатли қилиб тайёрлаш имконияти, шунингдек, парвозга тайёргарликсиз учувчини чиқаришни истисно этиш ҳисобланади. Тренажёр жараёни касбий тайёргарликни ҳақиқий ҳолатга яқинлаштиради, бу эса навигаторлик компетентлигини ривожлантиришда ишлаб чиқилган ўқитиш методларига бевосита боғлиқдир. Тренажёр тайёргарлик дастурига навигаторлик компетентлигини ривожлантириш жараёнини босқичма-босқич амалга ошириш имконини берувчи лойиҳалаштириш топшириқлари киради. Бундан ташқари, мажмуавий тренажёр ўқитувчига ўқув жараёнини ўзгартириш, топшириқни бажаришни қийинлаштирувчи янги ёки қўшимча шартларни жорий қилишга имкон беради. Тренажёр мажмуаси бўлажак учувчиларга лойиҳалаштириш топшириқларининг мураккаблиги ўз тайёргарлиги (навигаторлик компетентлигини) даражасига қараб мустақил танлаш имконини беради. Бўлажак учувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг ҳар бир босқичида уни назорат қилиш, ташҳислаш ва баҳолашни таъминлашдан ташқари, навигаторлик компетентлигини интегратив баҳолашга ҳам зарур. Бундан ташқари, навигаторлик компетентлигини ривожлантириш учун ўқитиш воситалари тизимида бўлажак учувчиларни тайёрлашнинг анъанавий воситаларидан ҳам фойдаланилди: ўқув ва махсус адабиёт, схемалар, стендлар, ихтисослаштирилган синфлар, навигацион ҳисоблаш жиҳозлари, авиацион жиҳозлар, тизимлар ва мажмуалар, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари воситалари (компьютерлар, мультимедиа проекторлари ва фильмлар, дастурий таъминот воситалари, электрон дарсликлар ва бошқалар). Навигаторлик компетентлигини ривожлантириш жараёнида гуруҳли ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқилган, касбий вазиятларни яратиш ва ечиш борасидаги лойиҳалаш топшириқларини ҳам аудитория доирасида, ҳам мустақил бажариш учун қўлладик. Топшириқда муаммоли вазиятни таҳлил қилишни ўтказиш, вазиятни ечиш воситалари ва методларини танлаш ҳамда зарур натижани қўлга киритиш талаб этилади. “Ишбилармон ўйини” ва “комплекс навигаторлик ўйини” методлари навигаторлик компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик шартларини аниқлаш жараёнида кўриб чиқилган.




2-расм. Касбий навигаторлик компетентлиги ривожланган ҳарбий учувчини тайёрлаш модели

Фанлараро интеграция асосида бўлажак учувчи-муҳандисларни кабий компетентлигини ривожлантиришда ўқув режага мувофиқ горизонтал ва вертикал интеграцияни келтириб ўтамиз. Танланган ўқув режага мувофиқ, курсантларнинг касбий новигаторлик компетентлигини ривожлантиришда фан блокларидан тегишли фанларни танлаб оламиз (3-расм.)



3-расм. Фанлараро горизонтал интеграция

Ихтисослик фани бўлмиш ҳаво навигацияси фанини келтириб ўтилган тўртта фан билан вертикал интеграциялашни амалга оширамиз (4-расм).



4-расм. Фанлараро вертикал интеграция

Тадқиқот ишимиз юзасидан қуйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин:

1) тренаж тайёргарликда фанлараро интеграцияга киришувчи алоҳида компонентларига хос бўлмаган янги хоссалари, сифатлари, аломатлари бўлган яхлитлиликни, яъни навигаторлик компетентлигини ривожлантиришни талаб этади;

2) навигаторлик компетентлигини ривожлантириш жараёни умумқасбий ва ихтисослик фанлар мазмунида жамланадиган интеграцияловчи хоссаларни рўёбга чиқаришга қаратилиши керак;

3) бўлажак учувчиларнинг эмерджент (пайдо бўлувчи) сифати – навигаторлик компетентлиги фанлар интеграциянинг натижаси ҳисобланади.

Диссертацион тадқиқот ишининг учинчи боби **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси”** деб номланиб, навигаторлик компетентлигини ривожлантиришнинг меъёрий-башоратлаш моделини самарадорлиги, шунингдек, педагогик талабларнинг мажмуалигини текшириб кўриш бўлди.

Тақдирот ишлари Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим юрти базасида ва ҳарбий ҳаво кучлари қомондонлигига қарашли Хонабод ҳарбий базасида 2018 - 2020 йиллари давомида икки босқичда олиб борилиб, унда иккинчи, учинчи, тўртинчи босқич курсларнинг 94 нафари курсантлари иштирок этди. Хонабод ҳарбий базаси самолёт учувчилари таркиби мисолида тажриба-синов ишларида 60 нафари, шунингдек Хонабод ҳарбий базаси вертолёт учувчилари таркиби мисолида тажриба-синов ишларида 70 нафар учувчилар қатнашди.

Умумий учувчилар сони 224 нафарни ташкил қилиб шундан назорат гуруҳида 110 нафар ва тажриба-синов гуруҳида 114 нафар учувчилар қатнашди.

Педагогик тажриба-синов иши икки босқичда амалга оширилди: қайд этувчи ва шакллантирувчи.

Диссертациядаги таҳлилларга кўра тадқиқотчилар томонидан таклиф этилган даражаларга асосланиб, тадқиқот ишимизда навигаторлик компетентлигини шаклланганлигини учта даражаси қабул қилинди:

биринчиси энг паст даража (репродуктив) – қўйилган вазифаларни бажаришга қийналади, чунки уларнинг кетма-кетлиги тартибсиз кечади, ҳаракатлар яхши англаб етилмаган;

иккинчиси ўрта даража (изланишли) - қўйилган вазифаларни барчасини тушунади бироқ уларни бажариш кетма-кетлиги етарлича ўйланмаган;

учинчиси юқори даража (креатив)- қўйилган вазифаларни бажариш, изчиллиги анча яхши ўзлаштирилган, ҳаракатланиш тўлақонли англаб-тушуниланган.

